



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024  
2/2-сон



<b>Шахриёр Шодиёрович Тураев</b> Юридик хизматларнинг таркибида адвокатлик фаолиятининг ўрни ва унинг назарий масалалари	74
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Росулбек Исломович Пардаев</b> Яшил иқтисодиёт шароитида халқаро экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиёти	79
<b>Юлдуз Пирназаровна Урунбаева</b> Ўзбекистонда янги-музей туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари	83
<b>Latofat Tolibovna Yuldosheva</b> Tourism System: Tourism Supply and Bridging Components. Evidence from Samarkand	87
<b>Shaxnoza Shuxrat qizi Xashimova</b> Xorij mamlakatlarida sog‘lomlashtirish turizmi va uning rivojlanish xususiyatlari	93
<b>Зухрали Турсуналиевич Абдулхакимов</b> Халқаро туризм индустриясининг ривожланиш динамикаси, шаклланиш тенденциялари	99
<b>Мохинур Ўлмас қизи Ўроқова</b> Навой вилоятида сафари туризмни ташкил қилиш ва такомиллаштириш истиқболлари	104
<b>Мухауво Вахриллоевна Хамроева</b> Turizm sohasidagi hududiy transport xizmatlarining iqtisodiy ko‘rsatkichlari tahlili	109
<b>Парвина Аслиддин қизи Холматова</b> Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти	113
<b>Kamol Sharifovich Yuldashev</b> Sayohatni mustaqil rejalashtirishda qo‘llaniladigan axborot texnologiyalari va uning bosqichlari	117
<b>Анжим Айдосбаевна Ембергенова</b> Қорақалпоғистон Республикасида замонавий туризмни ривожлантириш йўналишлари	123
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Гўзалхон Акром қизи Абдурашидова</b> Маркетинг тизимида нархларни шакллантириш механизми тамойиллари ва усуллари	129
<b>Мохигул Эркиновна Ахтамова</b> Стратегическое управление проектами в Республике Узбекистан: ключ к экономическому развитию	135
<b>Nargiz Toxirovna Sattarova</b> Mamlakatimizda sanoat korxonalarini boshqarish jarayonini takomillashtirish	139
<b>ИНВЕСТИЦИЯ</b>	
<b>Акрам Одилович Очилов, Дурдона Хасан қизи Рахмонова</b> Развитие экономики Кашкадарьинской области на основе внедрения инвестиций	143
<b>МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ</b>	
<b>Jaxongir Rasulovich Zaynalov, Shaxnoza Maxmudovna Latipova</b> Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida moliyaviy siyosatni rivojlantirish yo‘llari	148

9. Social media has the Greatest Influence on Travel Destination Choices, Jun 6, 2023, <https://www.statista.com>.

<p style="text-align: right;"><b>К.Юлдашев</b></p> <p><b>Информационные технологии, используемые при самостоятельном планировании путешествия и его этапы</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в статье последовательно анализируются и освещаются статистическими данными преимущества самостоятельного планирования поездки и ее этапы. В процессе самостоятельного проектирования турпакета были разработаны рекомендации по способам бронирования основных и дополнительных туристических услуг, то есть авиа- и железнодорожных билетов, гостиницы, услуг общественного питания через различные веб-страницы и другие способы.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> самостоятельный туризм, неорганизованные туры, клубы самостоятельных туристов, интернет-технологии, системы онлайн-бронирования, этапы организации поездки самостоятельно.</p>	<p style="text-align: right;"><b>K.Yuldashev</b></p> <p><b>Information technologies used in independent travel planning and its stages</b></p> <p><b>Abstract:</b> in the article, the advantages of independent planning of the trip and its stages are analyzed sequentially and illuminated by statistical data. In the process of independent design of the tour package, recommendations were developed about ways to book basic and additional tourist services, that is, air and railway tickets, hotel, catering services through various web pages and other methods.</p> <p><b>Keywords:</b> free independent tourism, unorganized tours, independent travelers' clubs, information technologies, online booking systems, stages of organizing a trip independently.</p>
--	--

**Анжим Айдосбаевна Ембергенова** – Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети тадқиқотчиси

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЗАМОНАВИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

<p><b>Аннотация:</b> ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикасида замонавий туризм ва хизмат кўрсатишнинг моҳияти, муаммолари, инновацион фаолияти ҳақида айтилган. Smart-туризмнинг таклиф этилаётган таърифи ақлли технологиялардан фойдаланиш орқали истеъмолчи учун туристик хизматнинг қўшимча қиймати кўрсатилган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> Smart-туризм, ақлли технологиялар, замонавий шаҳарлар, ахборот ва коммуникация, “Ақлли” туман, шаҳар ва маҳалла, экстремал туризм.</p>
---


**Кириш** Smart-туризм («Ақлли туризм») – бу туризм индустрияси ва инновацион S&R технологиясини биргаликда ривожлантириш модели бўлиб, бу нафақат туризм индустриясини ривожлантиришнинг келажакдаги тенденцияси, балки замонавий хизмат кўрсатиш соҳасини ўзгартириш ва модернизация қилишнинг калити ҳисобланади. Smart-туризмнинг таклиф этилаётган таърифи ақлли технологиялардан фойдаланиш орқали истеъмолчи учун туристик хизматнинг қўшимча қийматини олишга аналтади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Умуман олганда, яқин йилларда республикамиз ҳудудларида, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилган. Буни қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва улар доирасида амалга оширилган ишлар кўламлида кўриш мумкин, илмий-услубий асосларини яратиш бўйича илмий-тадқиқотлар М.К.Пардаев, И.С.Тухлиев, А.Абдуллаев, К.Муфтайдинов, Х.Айбешов, Н.Т.Тухлиев[6], Б.Н.Навруз-зода, Н.С.Ибрагимов [7], О.Н.Хамидов, Б.Ш.Сафаров[8], М.Т.Алиева, А.А.Эштаев, А.Т.Мирзаев, А.Н.Норчаев, Ш.Р.Файзиева, С.Салаев, Б.Олланазаров, Ш.С.Сайфутдинов[10] каби олимларнинг илмий ишларида баён этилган. Бевосита Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасининг янги йўналишларини ривожлантиришга М.Халимова, Б.Исмаилов ва бошқа олимларининг илмий ишлари бағишланган.

**Тадқиқот методологияси:** Ушбу мавзунини ўрганиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди, таҳлил, индукция, дедукция ва кузатиш методларидан. График усулда таҳлил қилиш ва расмий статистиканинг расмий манбаларидан маълумотлар тўплаш

тақдим этилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Smart-туризм йўналиши ҳудудда туризмни режалаштириш, қиймат занжирига барқарорлик тамойилларини қўллаш, туристик тажрибаларга технологияларни жорий этиш ва хизматлар кўрсатиш, ресурсларни самарали бошқариш ва сайёҳларнинг эҳтиёжлари ва хатти-ҳаракатларига жавоб бериш қобилиятини бирлаштиради. Smart-туризмни қуйидагича таснифлаш мумкин (1-расм).



1-расм. Smart-туризмнинг ривожланиш йўналишлари<sup>1</sup>

Кўплаб замонавий шаҳарлар сайёҳлар учун тобора кўпроқ «ақлли» бўлиб бормоқда. Бунинг сабаби шундаки, улар чипталарни сотиб олиш, экскурсиялар ва ўйин-кулгиларни брон қилиш, жамоат транспортида саёҳат қилиш, велосипедларни ижарага олиш ва бошқа кўп нарсалар учун турли хил онлайн хизматлардан фойдаланишлари мумкин. Ақлли туризм ҳамма учун ажойиб саёҳатлар дунёсини очади ва, энг муҳими, кўп пулни тежашга ёрдам беради. Мобил иловалар туфайли саёҳатчининг смартфонни гид, таржимон ва харита вазифасини бажаради.

Ўзбекистонда туризм соҳасида сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Кўпгина мамлакатлар фуқаролари учун визалар бекор қилинди, меҳмонхоналар қурилиши ва янги йўналишларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда, мамлакатимизда сайёҳларни дам олишини янада қулай ва завқли қиладиган инновацион ечимларни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Туризмни ривожлантириш миллий кенгаши Ахборот ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда E-MENMONXONA автоматлаштирилган ахборот тизимини (ААТ) ишлаб чиқди. Ушбу тизим ишга тушиши билан миллий маъмурий органларга ҳисоботларни тақдим этиш билан боғлиқ маъмурий ишлар бекор қилинди. Бироқ, асосий натижа шундаки, келажакда меҳмонхона эгалари энди меҳмонлар рўйхатини тузишлари шарт эмас.

2018 йил 1 июлдан бошлаб, чет элликлар учун электрон виза бериш тизими ишга туширилган. Шунингдек, бугунги кунда, Visa, MasterCard ва тўлов тизимларини жорий қилувчи бошқа компанияларнинг техник қўмаги билан яратилган Electronic Visa расмий

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилган

портали асосида электрон кириш визалари учун тўлов механизми ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, электрон кириш визаларини бериш тизимига жалб қилинган вазирлик ва идораларнинг дастурий-техник комплексини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яна бир лойиҳа «Uzbekistan Pass» доирасида ягона дисконт картаси жорий этилган. Ушбу картага кўра, болалар, ёшлар, қариялар, ногиронлар, кўп болали оилалар ва давлат сектори ходимлари сайёҳлик жойларига ташриф буюриш, меҳмонхоналар, санаторийлар ва дам олиш масканларида қолиш учун имтиёзли шартлар ва чегирмаларга эга бўлишлари мумкин. Карталар касаба уюшма кўмиталари орқали, шунингдек таътил даврида касаба уюшма кўмиталари томонидан корхона ва ташкилотлар ходимларига тарқатиладиган кумулятив тизимга эга чегирма карталари орқали тарқатилади. Мамлакатимизнинг халқаро туризм бозорида ақлли туризм мамлакати ва сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида АКТни фаол жорий этадиган ва ундан фойдаланадиган мамлакат сифатидаги обрўсини ошириш мақсадида Туризмни ривожлантириш миллий кенгаши Маданият вазирлиги ва МЧЖ «TechnoDargoh» билан биргаликда халқаро туризм бозорини ривожлантириш мақсадида «VERUM QR» лойиҳасини амалга ошириш бўйича қўшма битимни имзолади.

Лойиҳа доирасида сайёҳлар ўз смартфонларида 12 тилда мамлакатимизнинг сайёҳлик жойлари ва диққатга сазовор жойлари ҳақидаги барча маълумотларни бир неча сония ичида қулай шаклда олишлари мумкин, шунчаки смартфонларини QR-код тасвирига йўналтириш кифоя. Шу билан бирга, фойдаланувчилар нафақат сайёҳлик йўналиши, балки меҳмонхоналар, ресторанлар, музейлар ва бошқа меъморий ва тарихий обидалар каби яқин атрофдаги диққатга сазовор жойлар ҳақида ҳам маълумот олишади. Лойиҳа доирасида Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги тарихий бинолар, меҳмонхоналар, ресторанлар ва туризм соҳасининг бошқа объектларига QR-кодлари ўрнатилган.

Биринчи Миллий онлайн брон қилиш тизими – My Booking Самарқанд ва Шаҳрисабзда жорий этилди. Саёҳатчилар ва сайёҳлар бир неча дақиқада меҳмонхонада тураржойни брон қилишлари ва тўлашлари мумкин. Тизим Visa ва MasterCard карталарини қабул қилади ва мослашувчан чегирма тизимини таклиф этади. UzCardдан фойдаланиш ва миллий валютада тўлаш имконияти уни ички туризмни қўллаб-қувватлаш ва бизнес ҳамда хизмат сафарларини ташкил этишга кўмаклашиш учун ажойиб воситага айлантиради. HOTELIOS лойиҳаси – бу Ўзбекистондаги меҳмонхоналарни онлайн брон қилиш учун корпоратив интернет-платформадир. Тизим мамлакат бўйлаб 250 дан ортиқ меҳмонхоналарни ўз ичига олган. Бундан ташқари, аэропортдан трансфер хизматлари, СИП заллари, учрашувлар ва «яшил коридор» орқали жўнатиш, шунингдек, миллий валютада тўлов таклиф этилади.


Бундан ташқари, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК веб-сайти Миллий банкининг Ташқи иқтисодий фаолияти (ТИФ) электрон тижорат учун тўлов модули билан интеграциялаштирилган ва авиачипталарни uzairways.com. сайт орқали сотиш йўлга қўйилган. Бугунги кунга қадар Миллий банки ТИФ ва АИКБ «Ипак йўли» зарур лицензияларни олган ва онлайн тўловларни амалга ошириш учун халқаро тўлов тизими томонидан сертификатланган.

Бундан ташқари, Туризмни ривожлантириш миллий кўмитаси АКТни жорий этиш харажатларини солиққа тортишдан истисно тариқасида онлайн брон қилиш ва сотиб олиш, сотиб олинган хизматлар учун электрон тўлов, бошқа онлайн хизматлар, шунингдек ўзларининг кўп тилли веб-сайтларини яратиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланадиган туризм субъектларига солиқ имтиёзларини тақдим этишни таклиф қилади.

Маълумки, қабул қилган “Ўзбекистон-2030” Стратегиясида туризм маҳаллалари сонини 175 тага етказиш, ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп бўлган туманларда бошқа соҳалар каби туризм хизматларини ривожлантириш белгиланган. Шунининг оқибатида олиб, туман, шаҳар ва маҳаллаларда туризмни, шу жумладан “ақлли” туризмни ривожлантириш стратегиясини аниқлаш лозим.

“Ақлли” туризмни ривожлантиришнинг умумий стратегияларини аниқлаш жараёнида асосий стандартлар ва баҳолаш тизимини шакллантириш, ва унинг унсурларин ҳар томонлама таҳлил қилишни талаб қилади. Бунда авваламбор “ақлли” туман, шаҳар ва

маҳалларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. “Ақлли” туман, шаҳар ва маҳалларни тоифасини аниқлаш мақсадида тадқиқотда уларни баҳолаш тизимини яратишга ҳаракат қилдик (2-расм).



2-расм. “Ақлли” туман, шаҳар ва маҳаллани баҳолаш тизими<sup>1</sup>

Шуни таъкидлаш керакки, охириги пайтларда экстремал туризм тобора оммалашиб бормоқда. Экстремал туризм – бу янги ҳислар, таассуротлар олиш, жисмоний тайёргарликни яхшилаш ва спорт натижаларига эришиш мақсадида табиатда фаол ҳаракатланиш ва дам олиш усуллари билан боғлиқ барча саёҳатларни бирлаштирган туризм тури ҳисобланади<sup>2</sup>. Экстремал туризм махсус билим, кўникма, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни талаб қилади, чунки у билан шуғулланиш аниқ белгиланган хавф шароитида маълум юқларни ўз ичига олади, уларнинг бардошлилик даражаси фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига, уларнинг мулкига, тадбиркорлик субъектларининг мулкига, давлат ва коммунал мулкка ва атроф-муҳитга минимал зарар етказиш эҳтимоли билан белгиланади<sup>3</sup>. Экстремал туризмни 5 йўналишга бўлиш мумкин. Улардан энг машҳурлари – экстремал туризмнинг сув, тоғ ва қуруқлик турларидир. Юқоридаги экстремал туризм турларининг ҳар бирининг пайдо бўлиши учун маълум шартлар талаб қилинади.

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси

<sup>2</sup> Бабкин А.В. Специальные виды туризма. - Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. - 252 с.

<sup>3</sup> John Swarbrooke. Adventure tourism. - Butterworth-Heinemann, 2003. - 354 p.

Экстремал туризмнинг ушбу турлари Франция, АҚШ, Испания ва Хитой давлатларида кенг ривожланган. Ушбу давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатда экстремал туризмни муваффақиятли ташкил этиш ва кейинчалик ривожлантириш учун махсус шароитлар зарур:

**1. Табиий ресурсларнинг мавжудлиги.** Қорақалпоғистон Республикасида экстремал туризмнинг кўплаб турларини ривожлантириш учун зарур бўлган турли хил табиий ресурслар мавжуд. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Бадай-Тўқай биосфера резервати, археологлар Кичик Урал деб атайдиган Султонизтоғ тоғлари, Орол денгизи (гарчи унинг қуриши, чўлланиш билан боғлиқ экологик муаммога айланган бўлса ҳам), шунингдек, Қизилкум чўллари ва чегарадош Қорақум, Устюрт даштлари билан машхур<sup>1</sup>. Бу эса дашт сафари ва этно-туризмни ривожлантириш учун, экологик ва саргузашт туризмни ривожлантиришга замин яратиб беради.

**2. Ижтимоий-демографик вазият.** Туризмнинг ривожланишига аҳолининг, айниқса шаҳарларнинг ўсиши таъсир қилади. Шаҳар аҳолиси учун туризм – бу хотиржамликни излаш, экстремал туризм уни энг қисқа вақт ичида тиклашга имкон беради. Қорақалпоғистон Республикасининг йирик шаҳарларида аҳолининг ўсиши ва кўплаб ёшлар унинг ривожланишига ҳисса қўшмоқда.

**3. Ривожланган инфратузилма.** Қорақалпоғистон Республикасининг йирик шаҳарларида сайёҳлик инфратузилмаси яхши ривожланган, яхши ишлайдиган ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси ва кенг транспорт тармоғи мавжуд. Бу экстремал спортнинг ривожланишига бевосита таъсир қилади ва чет эллик сайёҳларни жалб қилишнинг энг кучли дастаги ҳисобланади.

**4. Иқтисодий вазият.** Иқтисодий ривожланган мамлакатларда аҳоли даромадларининг ўсиши аҳолига саёҳат ва дам олишга кўпроқ пул сарфлашга имкон беради<sup>2</sup>. Қорақалпоғистон Республикасида дам олиш учун пул сарфлашга одамларнинг тайёрлиги тобора кўпайиб бормоқда, иқтисодий ўсиш минтақанинг барча туманларида кузатилмоқда, аниқса Нукус шаҳрида бу яққол намоён бўлмоқда.

Ушбу шартларнинг ҳар бири ўз-ўзидан минтақада экстремал туризмнинг муваффақиятли ривожланишини олдиндан белгилаб қўймайди, аммо уларнинг барчаси биргаликда туризмнинг ушбу турини муваффақиятли ривожланишига олиб келиши мумкин. Жадвалда Қорақалпоғистон Республикасида экстремал туризмни ривожлантириш бўйича кучли томонлари кўрсатилган. Қорақалпоғистонда тоғ туризми турларини ривожлантириш учун табиий-рельеф шаротилари мавжуд. Жумладан, Султон Увайс тизмаси тоғ тизмаси Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Бу тизма кенглик бўйлаб 40-45 км масофага чўзилган, эни 10-15 км. Тоғ унчалик баланд эмас, атрофдаги текисликдан 350-400 м кўтарилиб туради. Энг баланд жойлари: Қорачинғил (485 м), Аччиктоғ (473 м). Жанубий ён бағри нисбатан тикроқ. Ғарбий қисми бир қанча тепаликларга (Шайхжали, Қуёнчиқ, Зангибобо, Жумуртоғ) бўлинган.<sup>3</sup> Шунингдек, Қорақалпоғистонда Қоратау (Қораўзак туманида), Крантау (Нукус туманида) Душман-Сенгри (Кўнғирот туманида), Бозатау (Бўзотов тумани), Порлитау (Мўйноқ туманида) тоғлари ҳам мавжуд. Шу боис мазкур туманларда тоғ туризмни ривожлантириш имконияти катта.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикаси ички ва хорижий сайёҳлар учун жозибадор ва саргузаштга бой масканга айланиши учун улкан имконият ва салоҳиятга эга. Минтақада ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган smart-технологиялар орқали smart-туризмни ҳамда мавжуд табиий ресурсларни ҳамда ривожланган инфратузилмаларни инobatга олиб, дунёда тобора кенг ривожланиб бораётган экстремал туризмни тараққий эттиришга қулай шароитлар мавжуд. Яқин йилларда республикамиз ҳудудларида, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилган. Буни қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва улар доирасида амалга оширилган ишлар кўламлирида кўриш мумкин. Бу эса, шубҳасиз, минтақанинг туристик салоҳиятидан тўлиқ

<sup>1</sup> [https://plov.press/uz/news/mu\\_im\\_fikrlar/oktyabr\\_d\\_spanov\\_ora\\_alpo\\_iston\\_tarikh\\_va\\_turizmning\\_noyeb\\_obekti/](https://plov.press/uz/news/mu_im_fikrlar/oktyabr_d_spanov_ora_alpo_iston_tarikh_va_turizmning_noyeb_obekti/)

<sup>2</sup> География инновационной сферы мирового хозяйства. - М.: Дело, 2000. - 173 с.

<sup>3</sup> <https://uzsmart.uz/encyclopedia/encyclopedia/28032.html>

ва самарали фойдаланиш, туристик объектларини кўпайтириш, туристик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларнинг турларини кўпайтириш, тегишли инфратузилмаларни барпо этиш, ва энг муҳими янги иш ўринларини яратиш, шу орқали минтақада истиқомат қилувчи аҳолининг фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 26-апрелдаги ПҚ-135-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”2022 йил 30 апрелдаги ПҚ-232-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”2023 йил 26 апрелдаги ПҚ-135-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2022 йил 14 февралдаги 71-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги “2022-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 545-сон қарори.
6. Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. - Самарқанд: СамИСИ, 2006. - 137 б;
7. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. - Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. - 424 с.;
8. Навруз-зода Б.Н., Ибрагимов Н.С., Навруз-зода З.Б., Навруз-зода Ш.Б.Туристтик ҳудуд рақобатбардошлиги. Монография. Бухоро: “Sadriiddin Salim Buxoriy” Durdona nashriyoti, 2017 - 156 б.;
9. Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана: Дисс...канд. экон. наук. -С.: СамИСИ, 2006. -155 с.;
10. Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - С.: СамИСИ, 2016. - 254 б.;
11. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида):. иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -С.: СамИСИ, 2017. - 265 б.;
12. Халимова М.О. Экоинновационные механизмы развития туризма в приаралье // Бюллетень науки и практики. - Т. 7. - №1. – 2021. С.77-82

<p><b>А. Ембергенова</b></p> <p><b>Основные направления развития современного туризма в Республике Каракалпакстан</b></p>	<p><b>A.Embergenova</b></p> <p><b>The main directions of modern tourism development in the Republic of Karakalpakstan</b></p>
<p><b>Аннотация:</b> в данной статье описаны сущность, проблемы и инновационная деятельность современного туризма и предоставления услуг в Республике Каракалпакстан. Предлагаемое определение Smart-туризма – это добавленная стоимость туристических услуг для потребителя за счет использования интеллектуальных технологий.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> Smart-туризм, умные технологии, современные города, информация и связь, «Умный» район, город и микрорайон, экстремальный туризм.</p>	<p><b>Abstract:</b> this article describes the essence, problems and innovative activities of modern tourism and service provision in the Republic of Karakalpakstan. The proposed definition of smart tourism is the added value of tourism services for the consumer through the use of smart technologies.</p> <p><b>Keywords:</b> Smart tourism, smart technologies, modern cities, information and communication, “Smart” region, city and microdistrict, extreme tourism.</p>

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

27.05.2024 йилда теришга берилди. 14.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.